

THE USE OF INNOVATIVE TECHNIQUES IN TEACHING THE RUSSIAN LANGUAGE

Mustaev Ruslan Damirovich

Fergana State University, Faculty of military education

Mustaeva Ekaterina Kholikulovna

Ayderova Seviliya Ibragimovna

18.83 group. Faculty of Philology.

Annotation: *this article will talk about the methodology of teaching the Russian language and the use of innovative technologies in its teaching.*

Keywords: *innovation, method, fields of education, communication, Russian language, teacher.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДИК В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ

Мустаев Руслан Дамирович

Ферганский государственный университет, факультет военного образования

Мустаева Екатерина Холикуловна

Айдерова Севиля Ибрагимовна

18.83 группа. Факультет филологии.

Аннотация: *данная статья расскажет о методике преподавания русского языка и использовании инновационных технологий в его преподавании.*

Ключевые слова: *инновация, метод, образовательные области, коммуникация, русский язык, учитель.*

РУС ТИЛИНИ ўQITIШДА ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРДАН ФойДАЛАНИШ

Мустаев Руслан Дамирович

Фаргона давлат университети, ҳарбий таълим факультети

Мустаева Екатерина Холикуловна

Айдерова Севиля Ибрагимовна

18.83 гуруҳ. Филология факультети.

Аннотация: *Ушбу мақолада рус тилини ўқитиш методикаси ва уни ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш тўғрисида гап боради.*

Калит сўзлар: *Инновацион, метод, таълим соҳалари, мулоқот, рус тили, муаллим.*

Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш инновацион педагогикани келтириб чиқарди. Инновацион - инглизча "янгиликни киритиш (тарқатиш)" маъноларини англатади. Янгилик киритишнинг ижтимоий-психологик аспекти Америка тадқиқотчиси Э.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган. У янгилик киритиш жараёни қатнашчиларининг таснифи, уларнинг янгиликка бўлган муносабати ва бошқаларни ўрганган. Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари ўзаро фарқланади. "Янгилик"- бу восита, янги метод, методика, технология маъносини англатади. "Инновация"- бу таълим, маълум босқичлари бўйича ривожланган жараён ҳисобланади. Жаҳон илм-фан тараққиёти кундан кунга гуркираб, ривожланганиб бормоқда. Айнан бу ижобий ривожланиш бизнинг диёримизга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Илм дунёмизга илғор инновацион технологиялар татбиқ этилмоқда. Таълим соҳаларига илғор, замонавий инновацион технологияларнинг кенг татбиқ этилиши ҳам рус тил ўрганаётган ёшлар учун кенг имкониятлар, марралар эшигини очди, десак хато бўлмайди. Тил ўрганиш кишилик жамиятида бағоят муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Мулоқот воситаси бўлмиш тилни табиий муҳитда яъни оилада, жамоатчилик орасида ёки уюшган ҳолда амалий эгаллаш мумкин. Тил ҳодисаларига оид билимлар эса назарий жиҳатдан ўргатилади. Халқаро муносабатлар авж олган замонамизда тилларни билиш, айниқса кўп тиллилик улкан аҳамият касб этади. Мамлакатимизда таҳсил оладиган ўқувчи ва талабалар одатда уч тилни ўрганадилар. Ушбу тиллар махсус номлар билан юритилади. Булар қуйидагилар: она тили, иккинчи тил, ва чет тил. Она тили тафаккур шаклланишида алоҳида хизмат ўтайдиган биринчи тил ҳисобланади. Иккинчи тил ҳақида сўз юритилганда, унга бошқа миллат вакиллари билан иборат қардошлар, қўшнилар тили сифатида қаралади

Рус тил - бу хорижий мамлакат тилидир. Республикамизда рус тили ўқитилиб келинмоқда. Бу тиллар таълим муассаларининг ўқув режаларидан ўрин олган. Учала тилни ўқитиш жараёни турлича кечади. Она тили ва иккинчи тил табиий вазиятда, рус тилидаги мулоқот, асосан, дарсда муаллим раҳбарлигида кечади. Учала тил орасида рус тилни ўрганиш ва ўргатиш муайян жиҳатлари билан кескин фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, тегишли рус тил ўқитиш технологиясини қўллашни тақозо этади. Рус тил муаллими методика фани ютуқларини пухта ўзлаштириш орқали ўқувчи-талабанинг тўплаган тил тажрибаси меъёрини аниқ билишга ва уни янада такомиллаштиришга эришади. Рус тилларни самарали ўргатиш унинг методикасини билишни тақозо этади. Рус тилини ўрганиш ва ўргатиш кўп жиҳатдан рус тил ўқитиш методикаси масалаларини назарий томондан ишлаб чиқилишига ва назариянинг амалда ижодий қўлланилишига боғлиқдир. Методиканинг предмети - рус тил предмети орқали таълим-тарбия бериш жараёни ва усуллари, рус тил ўргатиш илми, муаллим ва ўқувчи фаолиятини ўрганиш методиканинг предмети саналади. Методиканинг асосий тушунчалари - метод, усул, принцип. Дидактиканимани ўргатамиз? ўқитиш мазмуни ҳисобланади. Методика - қандай ўргатамиз? таълим усуллари ва методлари демакдир.

Метод - методика тушунчаси грек-лотинча "metodos-"methodus" сўзидан олинган бўлиб, маълум мақсадга элтувчи йўллар, усул маъносини англатади. Турли адабиётларда атаманинг тор ва кенг маъносини учратиш мумкин. "Методика" атамаси тор маънода таълимнинг конкрет дарс жараёни билан боғлиқ тушунчани англатади. Машғулотларни режалаштириш ва ўқув материалларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган кўрсатмаларни қамраб олувчи бошқариладиган дарс жараёни сифатида талқин этилади. "Метод" атамаси кенг маънода ўқув материални танлаш, табақалаш ва тақсимланишни назарда тутди. Германия Федератив Республикасида 60-йиллардан бошлаб "дидактика" ва "методика" тор маънода қўлланилиб келинмоқда. Шунга кўра дидактика таълим мазмуни нима ўргатилади? Методика эса таълим усуллари қандай ўргатилади? Масалалари билан шуғулланади. Рус тилини ўрганиш фақат ақлий тарбия воситаси эмас, балки ўзга маданият таълимий бойликлари ва қадриятлари билан танишиш ва уларни ўз маданий ҳаётига тадбиқ қилиш орқали киши шахсининг шаклланиш жараёни ҳисобланади. Рус тили ўқитиш методикаси фан сифатида 200 йилдан ортиқ тарихга эга. Бу давр ичида рус тил ўқитиш методикасига турлича муносабатлар билдирилганини кузатиш мумкин. Бундай қарашлардан бири академик Л.В.Шчербага мансуб ҳисобланади. Унинг фикрича, ҳар қандай фанни ўқитиш методикаси фан бўлишига қарамасдан, назарий фан ҳисобланмайди. У амалий масалаларни ҳал қилади. Жумладан, рус тил ўқитиш методикаси ҳам фақат психология далилларига таянмайди, балки умумий ва хусусий тилшунослик тадқиқотларига асосланади. Агар тилшунослик тил ҳодисаларининг келиб чиқиши ва ҳаракатланиш қонуниятлари билан шуғулланса, методика бу қонуниятларга асосланиб зарур тил ҳодисасидан амалда фойдаланиш учун нима қилиш керак деган саволга жавоб беради. Методикага оид китобларнинг энг қимматлилари ҳам тилшунослар томонидан ёзилган. Булар жумладан XIX аср фонетистларидан бири ва буюк инглиз тилшуноси Г.Суит, XIX аср охири ва XX аср бошида Англияда энг оригинал фонетист ва назарийчи тилшунос ҳисобланган О.Есперсон, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида энг кўзга кўринган француз лингвистларидан Ф.Брюнс ва Бреалья, кўзга кўринган англист ва таниқли фонетист В.Фиётор ва бошқалар кирди. Россияда тил ўқитиш методикаси масаласи билан академик Л.В.Шчерба ва унинг устози буюк тилшунос олим И.А.Бодуен-де-Куртоне ва уларнинг шогирдлари шуғулланганлар. Чет тил ўқитиш методикасига психологлар ўзгача муносабатда бўлдилар. Методика ва психология фанларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида профессор В.А.Артемов қимматли фикр билдирган. Унинг фикрича, психология методика учун материал беради. Методика ўқитувчининг қандай дарс ўтишини ўрганади. Психология эса, ўқувчиларнинг бу предметни қандай ўзлаштириб олаётганликлари билан шуғулланади. Лекин, бу фикрга тўла қўшилиб бўлмайди. Чунки ўқитувчи дарс бериш жараёнида, ўқувчи эса ўзлаштириш даврида маълум руҳий жараён ва ҳолатларни бошдан кечирадилар, улар хоҳлайдиларми, йўқми психологиянинг қонунларига рўбаро бўладилар ва таъсирланадилар. Методика тарихга оид адабиётларни чуқурроқ ўрганиш шуни кўрсатадики, айрим

тадқиқотчилар методикани санъат дейдилар. Улар одатда француз методисти Пенлаш фикрига ишора қиладилар, яъни "яхши" ёки "ёмон" метод йўқ "яхши" ёки "ёмон" ўқитувчилар бор. Бундай фикрдаги кишиларга немис методисти Э.Оттонинг 1924-йилда баён қилинган фикрлари билан жавоб бериши мумкин. У жумладан шундай дейди: "Агар кимки методикани санъат деб ҳисоблар экан, у фан назариясини унинг амалда қўлланиши билан қориштириб юборади". Ҳар бир фанда ўз тушунчалар йиғиндиси мавжуд. Рус тил ўқитиш методикасида қабул қилинган асосий тушунчалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: таълим системаси, таълим методи, таълим принципи, таълим воситаси, методик усул. Рус тил ўқитиш методи - дейилганда рус тил ўргатишнинг амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларига эришувни таъминловчи муаллим ва ўқувчи фаолиятининг мажмуаси тушунилади.

Метод атамаси "таълим усуллари йиғиндиси" ва "таълимнинг йўналиши" маъноларида қўлланади. Биринчиси таълим назариясида жараён методлар маъносида ишлатилса, иккинчи маънода уни ўқитиш методикаси тарихига оид асарларда учратишимиз мумкин. Масалан, рус тил ўқитишнинг таржима методи, тоғри метод, онгли-қиёсий метод, анъанавий метод, интенсив метод ва бошқалар ҳисобланади. Табиат ва жамият ҳодисалари ўзаро боғланган ва узлуксиз алоқада ривожланади. Фанлар обектив воқеликнинг иникоси эканлиги учун уларнинг ҳеч бири бошқаларидан ажралган ҳолда мавжуд эмас. Ҳодиса ва предмет айни замонда бир талай фанларнинг тадқиқот манбаи бўла олади, мисол учун, "тил" ижтимоий ҳодисасини ўз нуқтаи назаридан тилшунослик (лингвистика), рухшунослик (психология), таълимшунослик (дидактика) ўрганади. "Рус тил методикаси" атамаси киши онгида қуйидагича яъни ассотсатсия "боғланиш" уйғотади: авваламбор, тилни ўргатишга қаратилган метод ва методик усуллар йиғиндиси тушунилади ёки ўқитиш методлари ҳақидаги илмий билимлар ва ниҳоят, мустақил педагогик фан кўз олдимизга келади. Рус тил ўқитиш методикаси дидактика билан уйғун, ўзаро боғланган ҳолда ривожланиб келган. Барча ўқув фанларининг ўқитиш назариялари дидактика фанига асосланиши, ундан илмий озуқа олиши шубҳасиз барчамизга маълум. Рус тил ўқитиш ҳам дидактикага асосланади. Дидактика таълимнинг умумий назарияси, методика муайян ўқув предметини ўқитиш илми, лингводидактика тилларни ўқитиш умумий назарияси, лингвометодика аниқ бир тилни ўқитиш илми сифатида қаралади. "Метод" атамаси билим, малака, кўникмани эгаллаш, ўқувчиларда дунёқарашни шакллантириш ва билиш имкониятларини яратиш йўлидаги ўқитувчи-педагог ва талабанинг иш усули маъноларини билдиради. Ушбу тушунча сон - саноксиз таърифларга эга. Рус тиллар ўқитилишида методларни татбиқ этиш узок даврлардан бошланган, принциплар эса нисбатан янгироқ методик атамалардир. Тарихан методлар тўрт гуруҳга бирлаштирилиб, уларнинг номларига "таржима", "тоғри", "қиёсий", "аралаш" деб аташ қабул қилинган. Методлар тарихи атоқли методист проф. И.В.Рахманов томонидан чуқур ўрганилган. Таржима методи асосан икки кўринишда бўлиб, грамматика-таржима ва матн-таржима методлари номи билан

юритилади. Грамматика-таржима методи нуқтайи назаридан рус тили умумтаълимий мақсадда ўрганилган. Грамматик машқлар тил ўрганувчининг мантикий тафаккурини ўстириш мақсадида бажарилган. Грамматик билимларни баён этиш талимининг асосий вазифаси болоб хизмат қилади

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Tuychieva, I., Aripov, S., Madaminova, D., & Mustaev, R. (2021). THE PEDAGOGICAL SYSTEM OF PREPARING BOYS FOR FAMILY RELATIONSHIPS IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS. *湖南大学学报 (自然科学版)*, 48(8).

2. Damirovich, Mustaev Ruslan, Tukhtanazarov Ilhom Ibragimovich, and Abdusalomov Ulugbek Sattarovich. "THE ROLE OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL EVENTS IN PROMOTING THE IDEAS OF RELIGIOUS TOLERANCE AND INTERNATIONAL HEALTH." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 10.1 (2022): 970-972.

3. Дехканбаева, М. Н., К. Накибов, and Р. Мустаев. "ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ОПУСТЫНИВАНИЯ." *Экономика и социум* 11 (2019): 939-942.

4. Мустаев, Руслан Дамирович, and Сарваржон Анварович Абдуллаев. "АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИИЛАР ДАВРИДА АХЛОКИЙ-ЭСТЕТИК ГОЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАИИШИ." *Интернаука* 24-3 (2020): 23-24.